

## “ТИББИЁТДА РЕНТГЕН НУРЛАРИНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЬНАВИЙ УСУЛЛАР

Асс.Ж.Х.Хамроев., М.Р.Хуррамова., У.Қ.Ярмакхаммадов.

Самарқанд Давлат Тиббиёт университети.

### **АННОТАЦИЯ**

*Таълим усулларини тақомиллаштириши соҳасидаги асосий йўналишилардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишидан иборат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида талабаларни мустақил фикрлаш, таҳлил қилиши, хуносалар чиқарии, ўз фикрини баён қилиши, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиши, соглом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.*

**Калит сўзлар:** Ақлий ҳужум, муаммо, интерфаол, таълим, тарбия, кластер, ахборот, тиббиёт, рентген нурлари.

Интерфаол усулларни қўллашда ўзаро таъсир асосига қурилган интеллектуал ҳаракатлар шунчаки таъсир ёки туртки вазифасини бажариш билан чекланиб қолмайди ва ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга (кашф этишга) кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларни яратиш функцияларини ҳам бажариши мумкин.

«Тиббиётда рентген нурларининг қўлланилиши» мавзусини ўқитишида ноанъанавий усуллар » мавзусини ўқитишида ноанъанавий усуллардан бири “Ақлий ҳужум” усулидан фойдаланиш ҳам машғулот ўтказишида ижобий натижаларга олиб келади.

**“Ақлий ҳужум” усули.**

“Ақлий хужум”нинг бир неча усуллари ишлаб чиқилган. Бу усулнинг номидан маълумки, ақл воситасида битта муаммога хужум уюштирилади. Ҳамма иштирокчилар биргаликда бир ҳодисага ёки бир муаммога фикр қаратади ва унинг ечимини топишга ҳаракат қиласи. Демак, “Ақлий хужум” жамоа ғояларини йиғишидан. **Мақсад** – хилма-хил ғояларни йиғиши, мустақил фикрлаш, ижодий масалани мустақил ечишидир.

“Ақлий хужум” 15 минутдан бир соатгача давом этиши мумкин. Барча ғоялар экспертлар томонидан йиғиб олинади ва энг манзурлари танлаб олинади.

Ақлий хужум усулининг мақсади талабаларда ижодий, ностандарт фикрлаш қобилиятларини шакллантириш. Бу усулни катта ёки кичик групкаларда қўллаш мумкин. Бу усулни қўллашда дастлаб груп йиғилади, улар олдига олиб бориладиган машғулотга қараб муаммоли савол қўйилади. Аудиторияда бўлган барча талабалар савол бўйича ўз фикрларини билдирадилар, бу босқичда ҳеч ким ўзга кишини ғояларига хужум қилмайди ёки муносабат билдирамайди. Бундай усул воситасида қўплаб, хилма-хил ғояларни юзага келиш имкони пайдо бўлади. Бунинг учун эса машғулот олиб борилаётган аудиторияда талабалар фаол бўлиши, талабалар томонидан илгари сурилган ғоялар танқид остига олинмаслиги, муаммо ечимидан узоқроқ ғоялар ҳам қўллаб кувватланади, ўқитувчи талабалар томонидан билдирилган ғояларни доскага ёки қофозга қайд этади. Бу усул самараси фикрларнинг хилма-хиллиги билан таснифланади.

Навбатдаги босқичда муаммонинг ечимиға яқин бўлган 5-6 та асосий ғоялар танлаб олиниб, баҳоланади. “Ақлий хужум” усули қўлланилишига кўра универсал бўлиб, ўкув материалларини тезкор ўзлаштириш, фаол фикрлаш ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон беради.

Умумий талаблардан келиб чиқсан ҳолда “Ақлий хужум” усулидан фойдаланиш босқичларини қуйидаги технологик харитасини кўрсатиш мумкин.

## “Ақлий ҳужум” усулининг технологик ҳаритаси

<b>Иш босқичлари ва мазмуни</b>	<b>Фаолият</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
1–босқич. Талабаларни тайёрлаш.	Мавзу: рентген нурларининг қўлланилиши”, . <b>2.</b> Мақсадни белгилайди.	Иштирок этмайди
2–босқич. Кириш	Мавзунинг мақсади: талабаларда қуидаги режа бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилиш. <b>1.</b> рентген нурларининг олиниши. <b>2.</b> Тормозланган ва характеристик рентген нурланишлари. <b>3.</b> рентген нурларининг даволаш ва ташхисда қўлланилиши. <b>4.</b> КТ.да қўлланилиши. <b>5.</b> Моморграфияда қўлланилиши.	Усул шартларини ўрганади
3–босқич. Ғояларни киритиш	Ғояларни ёзиб олади.	Муаммони ҳал этувчи ғоялар юзасидан мулоҳазалар юритиб ёзиб беради ва таклифлар киритади.
4–босқич. Таҳлил	Таклиф қилинган ғояларни таҳлил қилишни ташкил этади	Билдирилган ғоя, таклифларни гурух бўлиб таҳлил қиласи, саралайди. Энг қулай ва мақбулларини, аниқлайди.
5–босқич. Якун ясалади ва рағбатлантирилади.	Талабалар томонидан бажарилган фаолиятни якунлайди ва таҳлил қиласи.	Холосаларни қунт билан эшитади (талаба ўзига ўзи баҳо бериши ҳам мумкин).

## Кластер.

Ушбу усул талабаларга “Тиббиётда рентген нурларининг қўлланилиши” мавзуси хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради.

«Кластер» усули турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. Бу усул аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли хисобланади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. «Кластер» усули “Тиббиётда рентген нурларининг қўлланилиши” мавзусини талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қиласди.

«Кластер» усулидан талабалар билан якка тартибда ёки гурух асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гурух асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу усул гурух аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса гурухнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади.

Мазкур усулдан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:


Нимани ўйлаган бўлсангиз, шуни қофозга ёзинг. Фикрингизни аниқ муаммолар тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзив боринг.

Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунича ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қофозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунига қадар давом эттиринг. Ёзувингизнинг имлосига ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.

Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва

боғлиқликни кўрсатишига ҳаракат қилинг. Фоялар йифиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишини чекламанг.

### Кластер шакли.



### Ҳар ким ҳар кимга ўргатади.

Ҳар ким ҳар кимга ўргатади усули тиббиёт университет ва институтларида марузалар ҳамда амалиёт дарслари ўтилганлиги учун жуда қулайдир чунки бу усулда талабалар ўргатувчига айланиши, маълум билимларни ўзлаштиргач ўртоқлари билан баҳам кўришга имконият берувчи ўқитиш услулидир. Бу услулнинг мақсади талабаларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборотнинг максимумини бериш, бир вақтнинг ўзида талабаларда ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотишидир. Шунингдек, ахборот ҳажмини олган талаба маълум вақт давомида уни иложи борича қўпроқ талабаларга етказади ва қўпроқ талабадан ўзи маълумотларни қабул қиласди.

Қўлланилиши:

- талабаларнинг ахборот олиш ва беришга қизиқишлигини уйғотиш ;
- ахборотни дикқат билан эшитиш ва эслаб қолишилари;
- шеригининг ахборотини тинглаб, бошқа шерик топиш.

**Афзаликлари:**

1. Талабаларнинг ўз фикрларини лўнда баён этишга ўрганишилари;
2. Талабаларга тинглаш ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириши;
3. Талабаларнинг фанга ёки мавзуга бўлган қизиқишини уйғотиши.
4. Талабаларнинг ўз-ўзини баҳолай олиши.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Амалий тиббиётдан янги технологиялар / Жарилкосинова Г.Ж. Т., 2012
2. Тиббий техникадан лаборатория машгулотлари / Умаров С.Х., Т., 2009
3. Тиббий ва биологик физика. Дарслик / Ремизов А.П. Т.: 2005
4. Тиббий ва биологик физика. Дарслик / Ремизов А.П. Т.: Ибн Сино. - 1992